

Аллоҳнинг қадарига розиман



07:00 / 20.12.2018 3336

Зиёд ибн Ҳасандан ривоят қилинади: «Мен Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ ўғли Абдулмаликни кўмаётганини кўрганман. Умар ўғлининг устига тупроқ тортди. Одамлар унинг қабрини ер билан текис қилиб, устига иккита зайтун шохини суқиб қўйишди. Уларнинг бири бош тарафида, бири оёқ тарафида эди. Кейин ўғлининг қабри олдида қиблага қараб турди. Одамлар уни ўраб олишган эди. «Ўғлим, Аллоҳга қасамки, сен отангга яхшилик қилар эдинг. Аллоҳ сенга раҳм қилсин, гуноҳларингни кечирсин. Амалларинг учун энг яхши мукофот берсин. Аллоҳ сенга яхшилик билан раҳм қилсин. Аллоҳнинг қазосига рози бўлдик, ишига таслим бўлдик. Одамларнинг Парвардигори Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», деди-да, жўнаб кетди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан